



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2023 йил — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2023 йил 5 декабрь, № 259 (8602)

Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун

ЯНГИ ТАҲРИРДАГИ КОНСТИТУЦИЯ УЛКАН МАСЪУЛИЯТ ДЕМАКДИР



Мустақил мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинганининг 31 йиллиги ҳар йилгидан кўра ўзгача шуқуҳ билан нишонланиши табиий. Зеро, жорий йилда янги таҳрирдаги Асосий Қонун умумхалқ референдуми натижасида қабул қилинди ва миллий давлатчилигимиз тарихида илк бор барча устувор қоидалари тўғридан-тўғри қўлланадиган мукаммал Конституцияга эга бўлди.

Қайд этиш ўринлики, конституциявий ислоҳот ҳар қандай давлатдан қатъий сиёсий ирода, жасорат, энг муҳими, етилган шароитни тақозо қилади. Конституцияни, қолаверса, унинг биронта қоидасини замон ва маконнинг хусусияти талабларига зид равишда ўзгартириб бўлмайди.



Ўзбекистонда эса давлатимиз раҳбари ташаббуслари асосида кейинги 7 йилда амалга оширилган тарихий ўзгаришлар Асосий Қонунимизни такомиллаштириш заруратини юзга келтирди.

Бу даврда ислоҳотлар шу қадар кенг кўлам ва шиддат касб этдики, Конституция ва қонунардан иборат ҳуқуқий макон уларнинг залварли юкини кўтаролмай қолди.

Шу боис Президентимиз томонидан Конституцияни тубдан ислоҳ қилиш ташаббуси илгари сурилди.

Умумхалқ референдумида халқимиз Конституциямиз лойиҳасига овоз бериш баробарида янги Ўзбекистонда амалга оширилган ислоҳотлар натижаларига ҳам ўзининг ҳаққоний баҳосини муҳрлади.

Зотан, овоз беришда иштирок этган қарийб 17 миллион нафар юрдошимиз-

нинг 90 фоиздан зиёди референдумга қўйилган саволга ижобий жавоб берди.

Хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари, нуфузли экспертлар давлатимиз раҳбарини ва у кишининг тимсолида бутун халқимизни тарихий тадбирнинг юксак даражада ўтгани билан қутлади.

Буларнинг барчаси янги Ўзбекистонни барпо этиш йўли нақадар тўғри танланга-

ни, тараққиётнинг янги босқичи тарихий аҳамиятга моликлигидан далолат.

Ўз навбатида, Конституцияни ислоҳ қилиш давлатимизнинг эл-юрт саодати йўлидаги олий мақсадлари сари қўйилган наватдаги улкан қадамидир ва янги таҳрирдаги Асосий Қонунимизнинг кучга киргани барчамизнинг зиммамизга фавқулдод юксак масъулият юклади.



Конференция

Марказий Осиё мамлакатлари етакчи аёллари мулоқоти муҳим платформага айланди

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева бошчилигидаги Ўзбекистон делегацияси Остона шаҳрида 2023 йилда Марказий Осиё мамлакатлари етакчи аёллари мулоқотида Қозоғистон Республикасининг раислиги якунлари бўйича ўтказилган халқаро конференцияда иштирок этди.

Анжуман ишида Марказий Осиё парламентлари вакиллари, БМТнинг Марказий Осиёда превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази директори, Европа Иттифоқининг Марказий Осиё бўйича махсус вакили, давлат органлари, халқаро ва нодавлат ташкилотлар ходимлари, халқаро экспертлар қатнашди.

Тадбир доирасида Марказий Осиё минтақасида гендер зўравонликка қарши курашиш ва аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда парламентлар ва фуқаролик жамияти ўрни, минтақада хотин-қизлар учун қонун устуворлиги каби мавзулар муҳокама қилинди.

Ийгилишда сўзга чиққан Олий Мажлис Сенати Раиси минтақа давлатларининг сўнгги уч йилдаги фаол ҳамкорлиги ва муштарак фаолияти Милоқот муҳим майдонга айланганидан далолат эканини таъкидлади.

— Бизнинг платформа-миз гендер тенгликни таъминлашга қаратилган ягона тузилмага айланди. Бу иштирокчи мамлакатларни бир-бирига янада яқинлаштирди ва бутун минтақамиз учун умумий бўлган долзарб масалаларни биргаликда муҳокама қилиш имконини берди. Биз билан биргаликда хотин-қизларнинг нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолияти ҳам фаоллашди. Уларнинг бугунги тадбир ишида кенг иштирок этиши минтақада хотин-қизларни бирлаштиришда юқори даражага эришилганидан далолатдир, — деди Сенат Раиси.

Ийгилишда кун тартибидagi аёлларга нисбатан зўравонликнинг олдини олиш ва унга барҳам бериш, минтақада хотин-қизлар учун қонун устуворлигини таъминлаш каби масалаларда минтақавий ҳамкорлики ривожлантириш бўйича янги амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш юзасидан фикр алмашилди.

Шунингдек, Мулоқот доирасида 2023 йилда амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилиниб, фаолиятнинг устувор йўналишларини белгилаш юзасидан фикрлашилди.

Мулоқотда раислик муддати бир йил бўлгани боис 2024 йилда уни бошқа давлатга ўтказиш масаласи ҳам кўриб чиқилди ва раислик Қирғиз Республикасига ўтди.

Эслайтиб ўтамиз, Марказий Осиё мамлакатлари етакчи аёллари мулоқоти минтақа парламентлари аёл аъзолари ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш ва мустаҳкамлашда муҳим платформадир. Мулоқот БМТнинг Марказий Осиё учун превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази, БМТ Тараққиёт дастури ва "БМТ-Аёллар" ташкилоти кўмагида тузилган бўлиб, самарали фаолият юритиб келмоқда. Мулоқот расман 2020 йил декабрь ойида фаолият бошлаган. 2021 йилда Ўзбекистон, 2022 йилда эса Туркменистон Марказий Осиё мамлакатлари етакчи аёллари мулоқоти-га раислик қилган.

«Халқ сўзи».

БИРДАМЛИК — ИҚЛИМ ЎЗГАРИШЛАРИГА ҚАРШИ КУРАШНИНГ САМАРАЛИ ЙЎЛИ

Бугун инсоният глобал иқлим ўзгаришлари билан боғлиқ экологик муаммолар авж олаётган мураккаб бир даврда яшамокда. Иқлим ўзгаришларининг олдини олмаслик нафақат мамлакатлар иқтисодий кўрсаткичларига, балки ижтимоий-сиёсий масалаларига ҳам таҳдид солиши мумкин. Шу боис давлатимиз раҳбари жаҳоннинг нуфузли минбарларидан иқлим ўзгаришларига мослашиш ҳамда экологик муаммоларни ҳал этиш учун конструктив тақлифларни илгари сурмоқда ва бу дунё ҳамжамияти томонидан эътироф этиляпти.

Муносабат

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев БААнинг Дубай шаҳрида бўлиб ўтётган БМТнинг иқлим ўзгариши бўйича конференциясидаги нутқида ҳозирги даврда иқлим муаммолари жаҳондаги барқарор ривожланиш йўлида энг асосий таҳдидга айланиб улгурганлиги, бу хавф-хатарлар, хатто дунё геосиёсий архитектурасига ҳам таъсир кўрсатаётганлиги, Орол фожiasi туфайли Марказий Осиё ва унга ёндош минтақаларда экологик инқирозларнинг салбий таъсири сезиларли даражада жиддийлашгани ва бу глобал хавфлар кенг минтақамизда ўзининг хат-хоти



Ҳосан ПАЙДОЕВ олган сурат.

тарли нуктасига етиб келаётганини айтиб ўтди.

Ўз навбатида, давлатимиз раҳбари ўз нутқида сўнгги йилларда юртимизда бу соҳада олиб борилаётган ижобий ишлар ва натижалар ҳақида тўхталар экан, бугун сайёраимизда иқлим ўзгаришларининг олдини олиш, унга мослашиш бўйича бир қатор муҳим конструктив тақлифларни ҳам баён этди.

Биринчидан, Париж шартномаси доирасида Иқлим ўзгаришига мослашиш соҳасидаги Глобал ҳадли ме-
ханизми тезроқ келишига ҳақиқат.

Ушбу механизмлар Жаҳон банки ва халқаро молия институтлари томонидан қўллаб-қувватланиши иқлим ўзгаришидан катта азият чекаётган мамлакатларга салмоқли ёрдам беради.

Иккинчидан, глобал миқёсда кам углеродли иқтисодиётга ўтиш адолатли, шаффоф ва инклюзив бўлиши зарурлиги, бунда иқлим ўзгаришидан жиддий зарар кўраётган ривожланаётган давлатларнинг манфаатлари инобатга олиниши қайд этиб ўтиди.



Шуқуҳ

БАЙРАМГА МУНОСИБ ТУҲФА

Давлатимиз раҳбарининг тегишли топширигига биноан жойларда "Обод хонадон — обод кўча — обод маҳалла" тамойилини жорий этишга киришилган эди. Президент Администрацияси, Халқ қабулхоналари, вазирлик ва идоралар, маҳаллий ҳокимликлар вакилларида тузилган Республика ишчи гуруҳи томонидан ўтказилган ўрганишларда Тошкент вилоятининг 5 та туманидаги энг чекка, ижтимоий ҳолати оғир маҳаллалар танлаб олинди.

Белгиланган вазифалар ижроси учун республика бюджетидан 4 миллиард сўм, шунингдек, маҳаллий бюджет ҳамда ҳоимий ташкилотлар ҳисобидан ҳам етарли даражада маблағ ажратилди.

Конституциямиз қабул қилинганининг 31 йиллиги шодиёнаси арафасида Тошкент вилоятининг Писчент туманидаги энг чекка худуд — Сувти маҳалласи худудидида бир нечта ижтимоий объектларнинг қурилиш-таъмирлаш ишлари якунига етказилди.

...Байрам тадбири эрта тонгдан "Соғлом ҳаёт учун" югуриш марафони билан бошланди. Маҳалланинг қирғиш қисмидан старт олган марафонда 300 дан зиёд ёшлар ҳамда маҳалла аҳлига ҳарбий оркестр, Миллий гвардия отлик ҳарбийлари, "Ватанпарвар" ташкилоти, Фавқулдод вазиятлар бошқармаси махсус техникалари ҳамроҳлик қилди.

Тўйга тўёна билан, деганларидек, шу кун маҳалла фуқаролар йиғинининг янги биноси фойдаланишга топширилди. Бу қишлоқ ахли учун ҳақиқий байрам туҳфаси бўлди. Идора олдига соябон ўрнатилди, бўш ер майдонига кўчатлар қадалди. Дарахтлар остига тўқсонбости экинлари экилди, худуд ободонлаштирилди. Лойиҳа қиймати 500 миллион сўмдан зиёдни ташкил қилувчи иншоотда ҳодимлар учун барча шароит яратилган. Бу ижтимоий дафтларларга қиртилган фуқаролар билан ишлаш, шунингдек, идораларо маълумот алмашишни осонлаштиради.

Тадбир иштирокчиларининг кейинги манзили — янгидан барпо қилинган "Сувти" МФЙдаги тиббиёт пункти бўлди. Узунлиги 12, эни 6 метрни ташкил қилувчи иншоот энгил конструкциядан қурилган бўлиб, унда аҳолига тиббий хизматни яқинлаштириш, касалликлар профилактикаси ва даволаш — бирламчи тиббий хизмат кўрсатиш учун барча қулайлик яратилган.

Эътиборли жиҳати шундаки, бинонинг бир қисмида мўъжазгина кутубхона ташкил қилинган ҳамда бадий адабиётлар билан тўлдирилган. Ешларнинг сеvimли худудига айланган зиё масканда китобхон ўқувчилар меҳмонларга шеърлар ўқиди, ўзларининг иқтидорларини намоийш қилди. Байрам тадбири "Яшил макон"

умуммиллий лойиҳаси доирасида маҳалланинг бўш ер майдонига кўчат экиш билан давом этди. Қайд этиш лозимки, маҳаллада "Обод хонадон" мезони остидаги тадбирлар доирасида ишчи гуруҳи 522 та хонадоннинг ҳар бирига кириб хатловдан ўтказди, оила ҳужаликларининг турмуш тарзи ўрганилди. Ана шу ҳужжат асосида эҳтиёжманд оилаларнинг уй-жойлари таъмирланди, моддий ёрдам кўрсатилди. Барча хонадонларнинг санитар-гигиена ҳолатини яхшилаш, томорқалардан самарали фойдаланиш, уй-жой тутуш, оила аъзоларининг яшаш шароитларини яхшилаш бўйича зарур тавсиялар берилди.



АЭХА Бошқарувчилар кенгаши Ўзбекистоннинг бешта миллий лойиҳасини тасдиқлади

Венада Атом энергияси бўйича халқаро агентлик (АЭХА) Бошқарувчилар кенгашининг наватдаги сессияси бўлиб ўтди.

Сессия кун тартибидан АЭХАнинг техник ҳамкорлик соҳасидаги фаолиятини кўриб чиқиш ва 2024-2025 йилларга мўлжалланган янги техник ҳамкорлик дастурини тасдиқлаш масалалари ўрин олди.

Хамкорлик

АЭХА Бошқарувчилар кенгаши техник ҳамкорлик дастурини тасдиқлади, унга кўра Ўзбекистоннинг бешта янги миллий лойиҳаси янги циклда амалга оширилади. Улардан учта лойиҳа яратилаётган атом саноати инфратузилмасини ривожлантириш бўйича миллий салоҳиятни ошириш ("Ўзатом" агентлиги), атом энергетикасини самарали хавфсизлик, Ўзбекистон тадқиқот ядро реакторининг фойдаланиш кўрсаткичларини ошириш ва самарали фойдаланишга (Фанлар академияси) қаратилган.

Тўртинчи лойиҳа — Сув ресурслари ва барқарор изотоплардан фойдаланган ҳолда ифлосланиш манбаларини мониторинг қилиш учун барқарор изотоп лабораториясини ташкил этишни назарда тутати. У Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати агентлиги томонидан амалга оширилади. "Саратонни даволашда радиациявий тиббиётни кенгайтириш ва мустаҳкам-

лаш" деб номланган бешинчи лойиҳа Ўзбекистонда илғор ва юқори сифатли нур терапиясини, диагностика радиология ва бошқа ядро тиббиёти технологияларини жорий этиш орқали саратон касаллигидан ўлим даражасини камайтиришни назарда тутати. Лойиҳа тиббиёт ходимларининг ма-лакасини ошириш, саратоннинг турли турларини ташхислаш ва даволаш бўйича миллий тавсияларни ишлаб чиқиш, тиббиёт ходимларини кенг қамровли тайёрлашни назарда тутати.

АЭХА Бошқарувчилар кенгаши аъзолари Ўзбекистон доимий вакили, элчи Бахтиёр Ибрагимовнинг нутқини тинглади, республиканинг агентлик ва Техник кооперация департаменти билан ижобий ҳамкорлиги қайд этилди. Улар агентлик ва Техник кооперация департаментига мамлакат ядро саноатини ривожлантириш учун миннатдорлик билдиришди. Шунингдек, АЭХАнинг ядровий технологиялардан тинч мақсадларда фойдаланишга қаратилган янги ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, шунингдек, ҳамкорликни янада ривожлантиришга қизиқиш тасдиқланди.

«Дунё» АА.
Вена

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

СТРАТЕГИК МАҚСАДЛАР, ҲАЁТБАХШ ИСЛОҲОТЛАР ПОЙДЕВОРИ

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг яратилиш тарихига бағишланган архив ҳужжатлари кўргазмаси бўлиб ўтди.

"Конституция — халқчил давлат, барқарор тараққиёт ва фаровон ҳаёт асоси!" деган бош ғоя асосида ташкил этилган мазкур кўргазмада депутатлар, сенаторлар, Конституциявий суд, Ўзбекистон Бадиий академияси, Парламент тадқиқотлари институти ва оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳамда хорижий давлатлар дипломатик корпуслари вакиллари қатнашди.

Мазкур кўргазмада Бош қомусимизнинг яратилиши ва ҳаётимизга табиқ этилиш тарихи, шунингдек, янги таҳрирдаги Конститу-

циянинг қабул қилинишига оид юзга яқин экспонатлар ўрин олган.

Президентимизнинг шу йил 16 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунини байрамга тайёргарлик қилиш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги фармойишида янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси давлатчилик, ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва суд-ҳуқуқ соҳаларини бундан кейин ҳам барқарор ривожлантириш учун мустаҳкам замин яратгани алоҳида қайд этилди.



ЯНГИ ТАҲРИРДАГИ КОНСТИТУЦИЯ УЛКАН МАСЪУЛИЯТ ДЕМАКДИР

Бу ҳужжатнинг устувор қоидалари асосида тамомила янгича қиёфа ва моҳият касб этиб бораётган жамиятда, улугвор мақсадлар қўланаётган шароитда кечаяи дунёқараш, ёндашув ва муносабат билан яшаб, ишлаб бўлмаслигини янада чуқур ҳис қилмоқдамиз.

Давлатимиз раҳбарининг янги таҳрирдаги Конституцияни амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирларга оид 2023 йил 8 майдаги Фармонида белгиланган, умуман олганда, ушбу Конституциянинг ўзи ҳам тақозо этадиган вазифалар ижросига шу нуктаи назардан ёндашмоқдамиз.

Жумладан, Фармон билан тасдиқланган чора-тадбирлар дастурининг учинчи йўналиши — ҳуқуқий давлат принципи асосида инсон қадрини улуглаш сиёсатини сифат жиҳатдан янги босқичга чиқариш, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари устуворлигини таъминлаш бўйича амалий ишлар бошланди.

Бунда асосий эътибор Конституция нормаларининг тўғридан-тўғри ва сўзсиз қўлланилишига қаратилмоқда.

Зотан, қайд этилган дастурда кўзда тутилган қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш, амалга киритиш учун муайян вақт талаб қилинар эди. Конституция нормалари эса жорий йил 1 майдан кучга кирди.

Бинобарин, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари устуворлигини таъминлаш бўйича янги нормаларни амалиётда бевосита ўша куннинг ўзидан бошлаб қўллашга тўғри келди. Хусусан, Конституция ҳамда дастурга мувофиқ уй-жойда тинтув ўтказиш, шахсинг телефон сўзлашувлари ва бошқа телекоммуникация қўрилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларини эшитиб туриш, улар орқали узатиладиган ахборотларни олиш фақат қонунга мувофиқ ва суднинг қарорига асосан амалга оширилиши белгиланди.

Бош прокуратура, бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва суд органлари вакиллари иштирокида ушбу муҳим қоидаларнинг мазмун-моҳиятини тушунтиришга, авваламбор, уни қўллашда конституциявий тамойилларга сўзсиз риоя этилишини таъминлашга қаратилган амалий чора-тадбирлар мустаҳкамланди.

Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси томонидан ишлаб чиқилган Конституция нормаларининг мазмун-моҳиятини суд ва ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар ходимларига тушунтириш бўйича ўқув курси модули доирасида вазирлик ва идораларнинг қарийб 2 минг 500 нафардан ортиқ ходимлари ўқитилиши ташкил қилинди. Бу борадаги тадбирларнинг мунтазам равишда ўтказилиши йўлга қўйилди.

Конституция нормаларини тўғридан-тўғри, сўзсиз ва самарали қўллашда Олий суд Пленумининг жорий йил 23 июнь куни қабул қилинган “Одий судловини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нормаларини тўғридан-тўғри қўллашнинг айрим масалалари ҳақида”ги қарори муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Зотан, Бош прокуратура ҳамда бошқа тузилмалар тақлифлари асосида ишлаб чиқилган мазкур қарордаги тушунтиришлар нафақат судлар, балки ҳуқуқ-тартибот, назорат органлари, вазирлик ва идоралар, умуман олганда, барча ҳуқуқни қўлловчилар томонидан

Конституция нормаларини қўллаш жараёнида инсон ҳуқуқлари, эркинликлари, давлат ҳамда жамият манфаатларини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Бундан ташқари, Конституция қоидаларидан келиб чиқиб, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини сўзсиз таъминлашга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, уларни бюрократик тўсиқларсиз, тезкор равишда муҳокамалардан ўтказишга эътибор қаратилмоқда. Жумладан, айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси парламент муҳокамасига киритиш учун тайёр ҳолга келтирилди. Ушбу лойиҳа 5 та қонун ва 2 та кодексни такомиллаштиришни назарда тутди.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, барча соҳа ва тармоқлар қатори прокуратура органлари фаолиятининг ҳам янги таҳрирдаги Конституция асосида такомиллашадигани қисқа муддатда ўз самараларини бера бошлади. Бунда жорий йилнинг 15 июль куни Бош прокуратура ҳайъатининг кенгайтирилган мажлисида прокуратура органларининг янги таҳрирдаги Конституциядан келиб чиқадиغان устувор вазифаларини белгилаб олганимиз, фаолиятнинг ҳар бир йўналишида тезкор равишда бажарилиши зарур бўлган вазифалар юзасидан мутасаддиларга аниқ кўрсатмалар берилгани, уларнинг ижроси юзасидан қўндалик назорат ўрнатилгани муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Бунга биргина инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини амалда таъминлаш, давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилиш, қонунлар ижросини сўзсиз рўёбга чиқариш борасидаги ишлар натижаларини акс эттирувчи кўрсаткичлар, уларнинг ижобий томонга кескин ўзгарганида ҳам кўриш мумкин.

Жумладан, прокуратура органлари томонидан жорий йилнинг 10 ойида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида қарийб 28 мингта текшириш ўтказилиб, натижада бўйича жами 134 мингтага яқин прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди. Энг муҳими, 321 минг нафар фуқаронинг бўзилган ҳуқуқлари тикланди.

Прокурор текширишлари ва дастлабки тергов давомида фуқаролар, давлат ва жамият манфаатларига етказилган 2,3 трлн. сўмлик зарарнинг ундирилиши таъминланди.

Вояга етмаганларнинг ҳуқуқий ҳимояси ва маънавий-ахлоқий тарбиясини кучайтириш ишлари ҳам янги босқичга кўтарилди. Шу мақсадда 9 мингга яқин тарғибот тадбирлари ўтказилди, қайд этилган йўналишда қонунбузарликларга йўл қўйган 13,2 минг нафардан зиёд шахслар жавобгарликка тортилди, 5,2 млрд. сўм зарар ихтиёрий ундирилди.

Жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларга қарши кураш, тезкор-қидирув ва тергов фаолиятини мувофиқлаштириш соҳасидаги фаолият ҳам такомиллашиб бормоқда. Бу борадаги долзарб муаммолар ва ечимталаб масалаларни ўз вақтида ҳал этиш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг 380 дан зиёд мувофиқлаштирувчи кенгашилари ўтказилди.

Шу ўринда жиноятчилик, жумладан, коррупцияга қарши кураш бўйича давлатимиз раҳбари ташаббуслари асосида янги ва самарали механизм-

лар жорий этилаётганини айтиш жоиз.

Биргина мисол: ҳар бир соҳа, тармок, вазирлик ёки идора тизимида коррупцияга шароит яратаётган сабаблар, омиллар ва бошқа жиҳатлар ана шу вазирлик ҳамда идоранинг ўзида му-тасаддилар иштирокида батафсил муҳокама қилинмоқда, мавжуд муаммолар, камчиликлар ва бўларга йўл қўйганларнинг фаолиятига ҳолис баҳо берилмоқда. Бундай амалиёт, бир томондан, жиноят учун жазонинг муқаррарлигини таъминлашга, бошқа жиҳатдан эса жиноятчиликнинг олдини олишга хизмат қилмоқда.

Судларда жиноий, фуқаролик, маъмурий ва иқтисодий ишлар қўрилишида фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, судларда қарийб 80 мингта ишнинг қўрилишида прокурор иштироки таъминланди.

Фуқароларнинг муурожаатларида кўтарилган масалаларни ҳал этиш, аҳолини ташвишга солаётган муаммо-

“*Умумхалқ референдумида халқимиз Конституциямиз лойиҳасига овоз бериш баробарида янги Ўзбекистонда амалга оширилган ислохотлар натижаларига ҳам ўзининг ҳаққоний баҳосини муҳрлади. Зотан, овоз беришда иштирок этган қарийб 17 миллион нафар юртдошимизнинг 90 фоиздан зиёди референдумга қўйилган саволга ижобий жавоб берди.*”

ларни бартараф қилишга устувор аҳамият берилмоқда. Жорий йилнинг 10 ойида келиб тушган жами 388 мингдан зиёд муурожаатларнинг 215 мингтаси бевосита прокуратура органларидан қўриб чиқилиб, 287 минг нафар фуқаро қабул қилинди.

Натижада 41 минг нафар фуқаронинг бузилган ҳуқуқлари тикланди. Бундан ташқари, Бош прокуратуранинг “Ишонч телефони”га келиб тушган 91 мингга яқин муурожаатларда кўтарилган масалаларни ҳам ҳал этиш чоралари қўрилди.

Шуни алоҳида айтиш керакки, Конституция нормаларини қўллашга қаратилган амалий саъй-ҳаракатлар кўп вақтдан буюн долзарб бўлиб турган ва аҳолини ташвишга солаётган муаммолар ечимини топишда ҳам ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда.

Хусусан, куз-киш мавсумида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектларини энергия ресурслари билан барқарор таъминлаш мақсадида қисқа муддатда прокуратура органлари аралашуви натижасида 300 га яқин жиҳдий муаммолар бартараф этилишига эришилди.

Жумладан, табиий газ, электр энергияси, ичимлик суви ва иссиқлик тармоқлари барпо этилди, газ тасишмалар, трансформатор пунктлари, сув насослари ҳамда қозонхоналар янгиланди, кўп хонадонли уйлар ва уларнинг муҳандислик-коммуникация тармоқлари таъмирланди.

Кўмир маҳсулотларини жойларга барқарор етказиб беришни таъминлаш

мақсадида Бош прокуратурада Республика штаби ва прокурорлар иштирокидаги худудий ишчи гуруҳлар ташкил этилди.

Кўмирни талон-торож қилишнинг олдини олиш мақсадида худудий омбор ва мавсумий шохобчаларга прокуратура ва бошқа тузилмалар вакиллари бириктирилди.

Талон-торож эҳтимоли мавжуд бўлган темир йўл бекатлари аниқланиб, кўмирнинг истеъмолчиларга хавфсиз ва тўлиқ етказиб берилишини таъминлаш учун мазкур бекатларга ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари масъул этиб белгиланган ва патруль автоташиналари ажратилди. Натижада бутунги кунда барча истеъмолчига кўмирни ўз вақтида ва етарли ҳажмда етказиш имконияти яратилди.

Қурилиш соҳасида қонунийликни таъминлаш борасидаги ишлар ҳам янгича талаблар асосида такомиллаштирилмоқда.

Прокуратура органларида жорий

этилган “Бюджет назорати” электрон дастурини Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирликларининг тегишли тизимлари билан интеграция қилиш орқали объектларнинг лойиҳасини ишлаб чиқишдан бошлаб, у фойдаланишга топширилгунга қадар бўлган жараёнда бўйича “туман — вилоят — республика” даражасида онлайн мониторинг йўлга қўйилди.

Интернетда очилган махсус канал ва штабларда ишга туширилган “очёқ телефон” орқали кенг жамоатчилик учун дастурлар ижросининг боришини муҳокама қилиш имкони яратилди.

Тизимли камчиликлар омилларини бартараф этишга қаратилган тақлифлар асосида Вазирлар Маҳмасининг қарори билан ноҳолис баҳолаш мезонлари бекор қилинди, 46 мингдан зиёд пудратчи ташкилотлар қайта сараланиб, уларнинг зарур салоҳиятга эга бўлмаган 29 мингтаси рейтинг рўйхатидан чиқарилди. Пудратчини танлаш жараёнида харид комиссиясининг иштироки илк маротаба тўлиқ бекор қилинди.

Илгари жамоатчилик учун ёпиқ бўлган ва норозилиklar келтириб чиқарган лойиҳа ҳамда пудрат ташкилотларининг рейтинг баллари ва уларни шакллантирган кўрсаткичлар ошқораси юритила бошланди.

Натижада биргина жорий йилги давлат дастурларига киритилган лойиҳаларда қиммат ва асоссиз ҳисобланган 2 трлн. 566,6 млрд. сўмлик қиймат мақбуллаштирилиб, бюджет маблағлари

асоссиз сарфланишининг олди олинди, 22,2 млрд. сўмлик сифатсиз ишлар ва 15,3 млрд. сўмлик қўшиб ёзиш ҳолатлари жойида бартараф этилди.

Маълумки, глобал иқлим ўзгаришлари, ҳаво сифатининг пасайиши ва Орол денгизининг қуриши билан боғлиқ вазиятнинг кескин тус олиши сабабли экологик масалалар Асосий Қонунимиздан кенг ўрин олди.

Бинобарин, Президентимизнинг жорий йил 31 майдаги Фармонида асосан прокуратура органларининг экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва ўрмон хўжалиги соҳасидаги қонунийликка риоя этилиши ва унинг ижроси устидан назоратга масъул бўлган тармоғи йўлга қўйилди.

Юртни обод қилиш нияти билан яшаш, бу ният рўёби йўлида борини бериш халқимизнинг азалий ҳаёт тарзи, эзгу қадриятидир. Бу қадриятнинг тараққиётимизнинг янги босқичида янги тўлқин, янги куч ва хайрли мақсад билан қайта тиклангани янги Ўзбекистонни барпо этишдек олий мақсадимизга мосдир.

Бинобарин, прокуратура органлари ҳам савобли ва айна пайтда ҳар жиҳатдан фойдали бўлган бу ишлардан четда турмайди, албатта.

Давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 30 декабрдаги Фармони билан тасдиқланган “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси ижроси доимий назоратимизда. Жумладан, дарактлар кесилишига эълон қилинган мораторий талабларига риоя этилишини қатъий назорат қилаймиз.

Экология билан боғлиқ масалаларга ечим топишда аҳоли, давлат ва нодавлат тузилмаларга, кенг жамоатчиликка амалий ёрдам кўрсатяпмиз. Бирок, энг муҳими, бу каби лойиҳалар, ташаббуслар ижросига бевосита ҳисса қўиши ҳам устувор вазифамиздир.

Шу боис биргина жорий куз мавсумида 550 минг туп дарактни бевосита прокурорлар томонидан екишни режа-лаштирдик ва шу кунга қадар 456 минг тупдан зиёд дарактлар екилди. Мамлакатимизнинг барча худудиди “Прокурор боғлари” барпо этилмоқда...

Прокурорлар раҳбарлик қиладиган 2-секторларда худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, эҳтиёж-мандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ишчиларнинг бандлигини таъминлаш, тадбиркорликни ривожлантириш, ижтимоий ва бошқа объектлардаги муаммоларни бартараф этиш, жиноятчиликка қарши курашиш каби қўллаб йўналишларда тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, прокурорлар секторларидаги тегишли дафтларларга киритилган 163 минг 300 та эҳтиёжманд оилага, 321 минг 400 нафар фуқарога зарур амалий ёрдамлар кўрсатилди.

177 минг нафардан зиёд эҳтиёжманд оиланинг ишсиз аъзолари бандлиги таъминланди, 8 минг нафардан зиёд ёшлар истиқболли иш ўринларига доимий ишга жойлаштирилди, 2,2 минг нафарга яқин ёшларга кредит, 5,6 минг нафарига қишлоқ хўжалиги билан шуғулланиш учун ер, 12 минг нафарига субсидия ажратилишида кўмак берилди.

Бундан ташқари, 86 минг нафардан зиёд хотин-қизларнинг бандлиги таъминланди, 13,6 минг нафардан ортиги касб-хунарга ўргатилди, улар тадбиркорлигини ривожлантириш мақсадида

10 минг 605 нафарига қарийб 100 миллиард сўмлик кредит ажратилишига амалий ёрдам кўрсатилди.

Прокурорлар томонидан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашилари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига қонунийлик ва жиноятчиликка қарши курашиш аҳволи ҳақида ахборотлар мунтазам киритилмоқда. Аҳоли ва ижрочиларга янги қабул қилинган қонунларнинг моҳияти етказилмоқда, ушбу йўналишда олим ва экспертлар, вакиллик органлари, маҳалла фаоллари, жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари имкониятларидан ҳам кенг фойдаланилмоқда.

Президентимизнинг жорий йил 31 майдаги қарори билан Прокуратура органларида маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш концепцияси қабул қилинди ва шу тарихи тизимимизда бу ишлар янги босқичга кўтарилди.

Айниқса, инсон қадрини улуглаш, Ватанимиз озодлиги йўлида жон фидо этган тизим ходимларининг ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги ҳаққоний маълумотларни ёш авлодга етказиш орқали уларда эл-юртга садоқат туйғусини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Афсуски, шўролар қатагонларининг дахшатли даврида минглаб бегуноҳлар қаторида прокуратура тизими вакиллари ҳам қўллаб мусибатларга дучор бўлди. Ори ва номусини ҳар нарсадан устун қўйиб, ноҳақликларга қарши борган, қатъият қўрсатган, чин маънода довурак ва ватанпарвар маҳаллий ходимларнинг 150 нафарига жиноят иши қўзғатилган, 30 нафари эса отиб ташланган. Бу маълумотлар фақат қисқа муддатда аниқланганидир.

Ноҳақлик азобларини тортган тизимиз ходимларининг хотирасини абадийлаштириш, уларнинг жасоратини ёш авлодга етказиш бўйича бугун аниқ ишларни бошладик. Хусусан, жорий йил 11 сентябрда қабул қилинган фармойиш билан қатагон қурбони бўлган прокуратура ходимларининг номларини тиклаш ва хотирасини абадийлаштириш бўйича “Йўл харитаси”, унда белгиланган вазифаларни амалга ошириш юзасидан Бош прокурор ўринбосари раҳбарлигида ишчи гуруҳ таркиби тасдиқланди.

Ишчи гуруҳга прокуратура ходимларидан ташқари, турли илмий муассасалар, музейлар ва бошқа тузилмалар вакиллари киритилгани муҳим аҳамиятга эга...

Хулоса сифатида қайд этиш жоизки, фуқаролар ва давлатнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, инсон ҳуқуқларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш, Конституция ва қонунларни муҳофазалашдек шарафли вазифаларни зиммасига олган прокурорларнинг масъулияти энди ҳар қачонгидан ҳам кучайди.

Таъбир жоиз бўлса, янги таҳрирдаги Конституциянинг амалга киритилиши билан прокуратура органлари ҳам янги ва масъулияти даврга қадам қўйди.

Давлатимиз раҳбарининг эътибор ва ташаббуси самараси ўлароқ, ҳар жиҳатдан такомиллашиб бораётган прокуратура тизими давр олдида қўяётган устувор вазифаларни шараф билан адо этиш учун барча имкониятга эгадир.

Нигматилла ЙЎЛДОШЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Бош прокурори.

ЁРҚИН ИСТИҚБОЛНИ БЕЛГИЛАБ БЕРУВЧИ МУСТАҲКАМ ҲУҚУҚИЙ АСОС

Жамият сиёсий тизимининг ҳуқуқий асослари, аввало, Конституция орқали мустаҳкамланади. Юридик мазмун-моҳиятга эга ушбу ҳуқуқий ҳамда давлатнинг Асосий Қонуни сифатида бутун ҳуқуқий ҳамда қонунчилик тизимларининг ўзагини ташкил қилади.

Қолаверса, Конституция халқ иродаси, рухияти, ижтимоий онги ва маданиятини акс эттириб, унда муҷассамлашган мафкура жамиятини, халқни муайян мақсадлар сари етаклайди, уларни уудалаш учун сафарбар қилади. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси миллий истиқлол ғояси ва мустақиллик мафкурасининг ҳуқуқий асослари билан сугорилиб, халқимизнинг истиқлолга, эркинликка бўлган интилишини, миллий ахлоқий-маънавий қадриятларини акс эттирган ҳамда уларни жамият онгига, айниқса, ёш авлод онгига сингдиришга хизмат қилади.

Шу маънода, айтиш мумкинки, янги таҳрирдаги Конституция умумхалқ муҳокамаси давомида тушган кўп сонли тақлифларни инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилди. У халқроқ стандартлар, муҳими, Ўзбекистон халқининг хоҳиш-иродаси ва оруз-истакларига тўлиқ мос келади. Ўтказилган референдумда



90 фоиздан кўп фуқароларимиз янги таҳрирдаги Конституцияни қабул қилишни ёқлаб овоз бергани, амалга оширилаётган ислохотларни халқимиз қўллаб-қувватлаш билан бирга, одамларнинг эртанги кунга ишончини яққол кўрсатиб берди. Шунингдек, жамият бирдамлиги ва ҳамжиҳатлигини намойён қилди. Янги таҳрирдаги Конституциямиз мамлакатимизнинг янги ривожланиш даврини бошлади. Қолаверса, ушбу бош ҳужжат учинчи Ренессансининг пойдевори, десак, муболага бўлмайди. Бу, албатта, барчамиздан жуда

катта масъулият ҳамда талабчанликни, ўз ўрнида, жавобгарликни талаб қилади. Қомусимизда белгиланган асосий қоидалар, нормалар халқчилиги билан эътиборлидир.

Асосий Қонун Ватан тақдир, фуқароларимиз фаровонлиги, ёшларимизнинг бугуни ва келажатини белгилаб берувчи мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилишига тўлиқ ишонимиз. Зеро, амалдаги Конституциямиз 65 фоизга янгиланди. Тақлифларнинг 60 фоиздан ортиғи бевосита ёшлар томонидан берилгани катта аҳамиятга эга.

Асосий Қонуниимизнинг “Оила, болалар ва ёшлар” деб номланган 14-боби 5 та моддани ўз ичига олган бўлиб, уларда оила, ота-оналар ҳамда уларнинг фарзандлари манфаатлари билан бирга, зиммаларидаги масъулият ҳам белгилан қўйилган.

Табиийки, давлат ҳам бу борада ўз зиммасига қатор вазифаларни олган, яъни у ёшларнинг интеллектуал, ижодий, жисмоний ва ахлоқий жиҳатдан шаклланишига ҳамда ривожланиши учун, уларнинг таълим олишига, соғлигини сақлашга, уй-жой, ишга жойлашиш, бандлик ҳамда дам олишга бўлган

ҳуқуқларини амалга ошириш учун шароитлар яратиши алоҳида норма сифатида киритилган.

Конституциявий қонун билан илк маротаба узлуксиз таълим тизими, унинг ҳар хил турлари ва шакллари, давлат ва нодавлат таълим ташкилотлари ривожини таъминлаш давлатнинг вазифалари қаторидан жой олди. Мазкур қоидаларнинг Конституция даражасида белгиланиши, болалар бoғчасидан тортиб, университетларгача, барча таълим ташкилотларини улар давлатники ёки ҳусусий эканлигидан қатъи назар, ривожлантириш учун мустаҳкам ҳуқуқий замин бўлишига эътибор қаратилди.

Янги таҳрирдаги Конституцияга мувофиқ, фуқаролар давлат таълим ташкилотларида танлов асосида давлат ҳисобидан олий маълумот олишга ҳақли эканлиги аниқ белгилан қўйилди. Ҳўни 2017 йилга қадар олий таълим муассасаларида грант ўринлари сони фақат қисқариб келган бўлса, сўнгги олти йил ичида грантлар кўпайтирилди.

Хусусан, ўтган даврда олий таълимга ажратилган давлат грантлари сони 75 фоизга ҳамда эҳтиёжманд оилалар фарзанди бўлган хотин-қизлар учун

давлат грантлари сони икки бараварга оширилди. Шунингдек, нодавлат олий таълим муассасаларида мутахассисларни тайёрлашга давлат гранти ажратиш амалиёти йўлга қўйилди. Мазкур конституциявий қоидаининг белгиланиши бу борадаги ижобий йўналиш доимо сақлаб қолинишни, давлат олий таълим муассасаларида грант ўринлари йўқолмаслигини таъминлашга хизмат қилади.

Конституциявий қонунга мувофиқ олий таълим ташкилотларига академик эркинлик, ўзини ўзи бошқариш, тадқиқотлар олиб бoриш ва ўқитиш эркинлиги ҳуқуқи бeрилиши ҳам қувонарлидир. Олий таълим тизими билан боғлиқ масалаларнинг Конституция даражасида белгилангани олий таълим жараёнига таъши аралашувларни чеклаш, олий таълим сифати ҳамда дунёда рақобатбардошлигини оширишга олиб келади. Шу билан бирга, янги таҳрирдаги Конституцияда алоҳида модда ёшлар ҳуқуқларига бағишланган. Унга кўра, давлат ёшларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, экологик ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлайди.

Таъкидлаш жоизки, айна пайт-



Сирожидин БОМИДОВ олган суратлар.

да дунё миқёсида кескин тус олиб бораётган шиддатли рақобатга фақат замонавий илм-фан, юқори технологиялар ва инновация ютуқларини кенг жорий этиш орқалигина муносиб жавоб бера олишимиз мумкин.

Илм олиш учун мана шундай улкан имкониятлар яратилган

бир пайтда, айниқса, ота-оналар ўз фарзандларига тўғри маслаҳатлар бeриб, уларнинг соғлом ҳамда баркамол ўсиб-улғайишлари, илмий, маърифатли бўлишлари учун ғамхўр бўлишлари керак ва уларни бу йўлда доимо қўллаб-қувватлаб туришлари лозим.

Зеро, дунёнинг ободлиги, халқнинг бахту саодати ҳам илм, маърифат билан чамбарчас боғлиқ. Шу боис биз Ўзбекистоннинг суверен, дунёвий, ижтимоий давлат, деган мақомидан унумли фойдаланиб, ёшларни замонавий билимлардан хабардор қилишимиз орқали мамлакатимиз фаровонлигига эришишимиз мумкин. Бу йўлда, албатта, қомусимиз билан м

Қисқа сатрларда



ФРАКЦИЯ ВА ҚЎМИТАЛАРДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида “Конституция ҳафталиги” доирасида Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси ҳамда Ёшлар масалалари бўйича комиссия ҳамкорлигида “Конституция — ижтимоий давлатнинг ҳуқуқий асоси” мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

Унда янги тахрирдаги Конституция ва унинг жамият ҳаётидаги ўрни ҳақида фикр юритилди. Қайд этилганидек, кейинги йилларда мамлакатимизда қонун устуворлиги, эркинлик ва очиклики таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини олий қадрият даражасига кўтариш давлатимиз сиёсатининг асосий йўналиши сифатида қаралмоқда. Шунингдек, халқимиз учун муносиб турмуш шароити ва замонавий инфратузилма ташкил этиш, малакали тиббий хизмат кўрсатиш, сифатли таълим, ижтимоий ҳимоя тизимини яратиш ҳаётий мақсадга айланди. Бунда янги тахрирда қабул қилинган Бош қомусимиз мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш масалалари қўмитаси томонидан “Конституция — фаровон ҳаётимиз асоси” мавзусида тадбир ўтказилди.

Таъкидланганидек, Конституция — мамлакатнинг Асосий Қонуни бўлиб, шахс, жамият ва давлатнинг ўзаро муносабатларини тартибга солади. Янги тахрирдаги Конституциянинг муқаддимасидан тортиб, яқунловчи қоидаларига қадар инсон, унинг фаровонлиги тўғрисида ғамхўрлик ғоялари сингдирилган.

Хусусан, фуқаролар тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмини давлат маблағлари ҳисобидан олишга ҳақли экани қатъий белгиланди. Бу жуда муҳим ижтимоий кафолатдир. Чунки аҳолининг айрим қатламлари пулли асосда ёки хусусий шифохоналар хизматидан фойдаланишга имконияти етмаслиги мумкин. Ана шундай вазиятда давлат ўз фуқаросини кафолатланган тиббий хизмат билан таъминлаш мажбуриятини зиммасига олиши керак. Конституциядан ўрин олган ушбу норма айнан мазкур жиҳатларни кўзда tutadi.

Тадбир иштирокчилари томонидан янги тахрирдаги Конституция халқ фаровонлиги, юрт тараққиёти учун хизмат қилиши алоҳида қайд этилди.

Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси ҳамда Ёшлар масалалари бўйича комиссия томонидан “Янги тахрирдаги Конституция: ёшларга таълим соҳасида кенг имкониятлар яратади” мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Янги тахрирдаги Конституцияда иқтисодий, ижтимоий, маданий-маънавий ҳаётимизнинг турли соҳаларида кейинги йилларда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларни изчил давом эттириш бўйича стратегик мақсадлар ўз ифодасини топгани алоҳида таъкидланди.

Хусусан, Бош қомусимизда таълим олиш ҳуқуқи ва имкониятлари кенгайтирилди, нодавлат таълим муассасаларини қўллаб-қувватлаш қоидалари жорий этилди, давлат томонидан бепул умумий ўрта ва бошланғич касб-хунар таълими кафолатлари белгиланди, олий таълим муассасаларига академик эркинлик берилди. Буларнинг барчаси ёш авлод ҳаётини янада яхшилаш, уларнинг истак ва интилишларини рўёбга чиқариш, замонавий касб-хунарларни билиши ва жамиятда муносиб ўрин эгаллашида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Тадбирда депутатлар, Ёшлар парламенти аъзолари, олий ўқув юртлиари ўқитувчилари ва талабалар янги тахрирдаги Конституцияга тўхталиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Парламент ахборот маркази.

АҲОЛИ БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ МУЛОҚОТЛАР

Аввал хабар берилганидек, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ўз сайлов округларида бўлиб, аҳоли билан очик мулоқотлар ўтказди, маҳаллалар, таълим ва тиббиёт муассасаларида янги тахрирдаги Конституциянинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини тушунтирди.

Депутатлар — худудларда

Хусусан, қуйи палата депутати Дилбар Усмонованинг Тошкент вилояти Қирбай туманидаги сайловчилар билан мулоқотлари нихоятда самарали бўлди.

Жойларда ўтган очик ва самимий мулоқотлар чоғида депутат сўнгги йилларда мамлакатимизда барча соҳада амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, Асосий Қонунимизнинг моҳияти ва аҳамияти хусусида батафсил маълумот берди. Шунингдек, “Ўзбекистон — 2030” стратегияси ва унинг икросини таъминлаш борасида олиб борилаётган кенг қўламли ишлар ҳақида тўхталиб ўтди.

Юзма-юз мулоқотлар давомида аҳоли томонидан турли масалаларга оид кўтарилган муурожаатлар мутасадди ташкилотлар вакиллари иштирокида жойига чиққан ҳолда ўрганилди ва уларни ҳал этиш чоралари қўрилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Шўҳрат Шарофутдинов Фарғона вилоятида сайловчилар билан бўлиб ўтган учра-

шувлари давомида йиғилганларга қонун ижодкорлиги янгиликлари, яқинда кучга кирган қонунларнинг мазмун-моҳияти ҳақида маълумот берди. Хусусан, Бешариқ тумани ҳокимлигида “Халқ Конституцияси — халқчил давлат пойдевори” мавзусида ўтказилган тадбирда янги тахрирдаги Конституциянинг мазмун-моҳияти кенг тушунтирилди. Бош қомусимиз демократик суверен давлатимизнинг хурлик тисмоли, миллатимизнинг фахру ифтихори, фуқароларимиз ҳуқуқ ва эркинликларининг мустаҳкам кафолати экани қайд этилди. — Янги тахрирдаги Конституцияда иқтисодий, ижтимоий, маданий-маънавий ҳаётимизнинг турли соҳаларида кейинги йилларда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларни изчил давом эттириш бўйича стратегик мақсадлар ўз ифодасини топди, — деди депутат Ш. Шарофутдинов. Халқ вакили, шунингдек, учрашувлар давомида туманининг бир қатор маҳаллаларида бўлиб, фуқаролар билан юзма-юз мулоқотга киришди, уларни ўйлантириб келаётган ма-

салаларни ўрганди. Аксарият муурожаатлар жойида баргараф этилди, ечими узоқ вақт талаб қиладиган муаммолар эса депутатлик назоратига олинди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Нодира Жонибекованинг Сирдарё вилояти Сардоба туманида бўлиб ўтган аҳоли билан учрашувлари ҳам самарали кечди.

Депутат мулоқотлар давомида тумандаги “Равот” маҳалла фуқаролар йиғинида “Сардоба Универсал Кластер” ҳомийлигида ташкил этилган тикувчилик цехи фаолияти билан танишди.

Айни чоғда бу ерда “аёллар дафтари”да рўйхатда турувчи 120 нафар хотин-қизнинг бандлиги таъминланган. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ички бозорда хариддоргир.

Депутат ишлаб чиқариш жараёни билан танишиб, хотин-қизларга кейинги йилларда юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар ҳақида тушунтиришлар берди.

Учрашувлар чоғида бир қатор таълим муассасаларининг қуз-қиз мавсумига тайёргарлик ҳолати ҳам ўрганилди.

Фуқаролар томонидан кўтарилган муурожаатларни Сардоба тумани ҳокими ўринбосари ва масъул ташкилот раҳбарлари назоратга олди.

Парламент қуйи палатаси депутати Зухра



малар мустаҳкамлаб қўйилди. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раиси Мирзо-Улугбек Абдусаломов Конституциянинг яратилиш тарихи ҳақида тўхталиб, Асосий Қонуни-мизда муҳрлаб қўйилган ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамиятини қуриш йўлида кенг қўламли улкан ишлар амалга оширилганини алоҳида қайд этди.

Шу билан бирга, 2023 йил 30 апрель куни ўтказилган референдумда 90,21 фоиз аҳоли янги тахрирдаги Конституциямизни ёқлаб овоз бергани халқимизнинг бирдамлиги ва ҳамжихатлигини намоён қилгани, унда халқимизнинг янги Ўзбекистонни барпо этиш бўйича орзу-умидлари ва интилишлари ўз ақсини топгани айтиб ўтилди.

Тадбирда янги тахрирдаги Бош қомусимиз олдинги Конституцияга нисбатан қарийб 65 фоизга янгиланганига ургу берилди. Жумладан, унинг моддалари 128 тадан 155 тага, нормалари эса 275 тадан 434 тага кўпайди. Амалдаги 128 та моддадан 91 тасига концептуал ўзгартиришлар киритилди. Энг му-

ҳими, Асосий Қонунимизда иқтисодий, ижтимоий, маданий-маънавий ҳаётимизнинг турли соҳаларида кейинги йилларда рўёбга чиқарилаётган кенг қўламли ислохотларни изчил давом эттириш бўйича стратегик мақсадлар ўз ифодасини топди.

Олий Мажлис Сенатининг Орол бўйи минтақасини ривожлантириш масалалари ва экология қўмитаси раиси Борий Алихоннов ўз чиқишида таъкидлаганидек, халқимиз сиёсий-ҳуқуқий тафаккурининг юксак намунаси бўлган янги тахрирдаги Конституцияда дунёвий давлат, очик ва адолатли жамият қуриш, унда тенглик ва тенг ҳуқуқлилик принципларини ҳаётга татбиқ қилиш ғояларига асосланади. Бунда юртимизда инсон ҳаёти, эркинлиги, шаъни ва қадр-қимматига хурмат билан муносабатда бўлиш устуворлик касб этаётгани алоҳида аҳамиятга эга.

Тадбирда сўз олганлар Асосий Қонунимизда баён қилинган ҳар бир янги норма жамиятимиз ва давлатимиз тараққиёти, халқимизнинг ижтимоий ҳамда бошқа ҳуқуқлари

ҳимояси бўйича яқин ва узоқ истиқболдаги стратегик мақсадларни амалга оширишда мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини таъкидладилар. Хусусан, янги тахрирдаги Конституцияда белгиланган халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи, деган норма асосида Ўзбекистон Республикасида жаҳон миқёсида умумэтироф этилган халқ ҳокимиятичилиги принципи, яъни халқ суверенитетининг ташувчиси ва давлат ҳокимиятининг ягона манбаи эканини аңглатувчи тамоийил мустаҳкамлаб қўйилгани алоҳида урғуланди.

Асосий Қонунимиз биз учун нафақат муҳим ҳаётий қўламан, балки миллий ғурур-ифтихор, ушбу заминда истиқомат қилаётган, жинси, irqи, миллати, тили, динидан қатъи назар, барча инсонлар учун мустаҳкам ҳуқуқий ҳимоя ҳисобланиши қайд этилди.

Тадбир якунида меҳмонлар кўргазмадаги фото ва кўлэмалар, парламент кутубхонаси фаолияти ҳамда Қонунчилик палатаси музейидаги экспонатлар билан танишди.

«Халқ сўзи».

БАЙРАМГА МУНОСИБ ТУҲФА

Вазирлик ва идоралар, вилоят ҳокимлиги, нурунийлар, ёшлар ҳамда кенг жамоатчилик вакилларидан иборат меҳмонлар обод хонадонлардаги шароитларни кўздан кечирди, тандирда ёпилган нон ва кўк чучварадан тановул қилди, кишлоқ аҳли билан самимий мулоқот ўтказилди.

Олиб борилган тарғибот ишлари натижасида маҳалладаги 250 дан зиёд оилаларнинг томорқасига тўксонбости экинлари қадалди, томорқа маданияти юксалтирилди, ҳоким ёрдамчиларининг тавсияси асосида иссиқхона қуриш учун имтиёзли кредитлар берилди. Бу ҳали ҳаммаси эмас. Маҳаллада “Обод кўча” мезонини жорий қилиш бўйича уйдим-чүкур йўлар таъмирланди, ички кўчалар текисланди, туташ майдонлар, бўш ерлар, хонадонлар олдида “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида 10 минг тулпан зиёб кўчатлар экилди. Жами 5 та ички кўчанинг қарийб 2 километри шағаллаштирилди, 220 метри бетон қилинди, 3,3 километр пиёдалар йўлаги қурилди.

Шунингдек, электр таъминоти сифатини яхшилаш мақсадида 4 километр ҳаво линияси янгиланди, 74 та тунги ёритиш мосламаси қўйилди. 368 та эски симёғоч темирбетон устулларига алмаштирилди. Бундан ташқари, қарийб 10 километр газ тармоғи тартибга келтирилди, бўянди, 700 метр ичимлик суви қувури тортилди, сув иншооти ўрнатилди. Тинчлик ҳамда Мустақиллик кўчаларидаги 2 та кўприк янгидан бунёд этилди. Асосийси, қисқа муддат ичида рўй берган ўзгаришлар аҳолини мамнун қилди.

Маҳаллада ишсизликни қисқартириш мақсадида 44 нафар аҳолининг бандлиги таъминланди, фуқароларнинг тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳоким ёрдамчиси тавсияси асосида 220 миллион сўм имтиёзли кредит берилди.

Хуллас, бугун маҳалладаги ҳар бир гузар, кўча, хонадонлар олди миллий қадриятларимизга мос ҳолда тартибга келтирилди, ариқлардан зилол сувлар оқяпти.

Байрам тадбирининг бадий қисми маҳалла марказидаги очик майдонда ўтказилди. Кишлоқ аҳли ва меҳмонлар бир жойда ҳам бўлди. Унда қайд этилганидек, ҳудудда бажарилган бунёдкорлик ишлари давлатимизнинг аҳоли ижтимоий ҳимоясига қаратилган эътибори намунасинидир. Бундай хайрли тадбирлар ҳар бир маҳалла кесинида давом этиши кўзда тутилган бўлиб, асосий мақсад — халқимизга муносиб турмуш шароитини яратиб бериш.

Дастлаб тадбир доирасида эълон қилинган ўндан ортиқ танловларнинг ғолиб ва совриндорларни муносиб тақдирланди. Шунингдек, ҳудуддаги бунёдкорлик ишларида фаоллик кўрсатган вазирил ва идоралар, маҳаллий ҳокимликлар вакиллари, соҳаватпеша тадбиркорларга кўркак нишонлари, эсдалик совғалари топширилди. Байрам тадбирининг бадий қисмида Ватанин, меҳр-оқибат, муҳаббат, инсонийликни тараннум этувчи қуй-қўшиқлар янгради, барчанинг кўнглига байрамона кайфият улашилди.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ («Халқ сўзи»).

“Халқ сўзи” ва “Народное слово” газеталари тахриратий жамоаси тахриратийнинг собиқ ходими, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист
Ортиқали НОМОВ нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва ақилларига чўқур ҳамдардлик изхор этади.
Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси жамоаси федерация раиси Жаҳонгир Саримсоқова волидаи муҳтарамаси Сония она ЭРМУХАММАД қизининг вафоти муносабати билан чўқур ҳамдардлик билдирлади.
Гулистон давлат университети жамоаси ва қасаба уюшмаси рақамли иқтисодиёт ва инновациялар факультети Иқтисодиёт кафедраси доценти А. Абдувоҳидовга падаири бузқувори
Абдулазиз ота АБДУВОҲИДОВ нинг вафоти муносабати билан чўқур таъзия изхор этади.

— коррупция хавфидан ҳимоя қилувчи энг мақбул тизим

1 2 3 4 5 6